Ушбу сонда:
2 ИШСИЗЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИБ
3 Муаммо кўндаланг қўйилади — МАҲСУЛОТ САВДОДАН ОЛИНДИ
4 Футбол — ҚУРЪА ТАШЛАШ НАТИЖАЛАРИГА КЎРА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 15 январ, сешанба №9 (1226)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

DADIL ODIM

Оҳангарондаги «Эйвалекмахсустемирбетон» ҳиссадорлик жамияти учун ўтган 2001 йил баракали бўлди. Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 213 фоиз ўсди. Истеъмолчиларга икки миллиард сўмлик темир-бетон шпал, қувур, қум-шағал каби қурилиш материаллари етказиб берилди.

- Ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланиш натижасида асосий буюртмачимиз - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига маҳсулот етказиб бериш ҳажмини кўпайтирдик,- дейди корхона бош директори ўринбосари А.Тошматов. - Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳам ўз самарасини берди. Хусусан, тўрт хилдаги бутловчи қисмлар эндиликда ўзимизда тайёрланмоқда.

Корхонада технологик линияларни модернизациялаш ишлари ҳам давом этмоқда.

(ЎзА).

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 январ куни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Хорижий операциялар бўйича қўмитаси раиси Жим Колбини қабул қилди.

Юртимизга ташрифи арафасида америкалик конгрессмен Ўзбекистон ҳақида самимий гаплар айтиб, мамлакатимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тўғрисида фикр билдирган эди. Президент Ислом Каримов юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ж.Колбининг мамлакатимизга бундай муносабатини юксак қадрлашини таъкидлади.

- Ўзбекистонга келганингиз айни муддао бўлди,- деди Ислом Каримов.- Ташрифингизни минтақамиздаги вазият билан яқиндан танишиш, аксилтеррор операцияси бошланганидан кейин юз бераётган ўзгаришларни кўриш ва баҳолаш истагида амалга оширилган тадбир, деб ҳисоблаймиз.

Ж.Колби қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди. АҚШ Ўзбекистон билан кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон-АҚШ муносабатларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Аёллар теннис уюшмаси теннисчиларнинг навбатдаги рейтингини эълон қилди. Унга кўра америкалик Женнифер Каприати жароҳатланган ҳамюрти Линдсэй Дэвенпортни ортда қолдириб, рўйхатнинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Учинчи поғонани эса яна бир АҚШ теннисчиси - Винус Уилямс банд этди. Узоқ вақт давомида энг кучли теннисчи бўлиб турган швейцариялик Мартина Хингис тўртинчи ўрин билан кифояланмоқда.

ТЎЛАГАНОВА ЯНА КУЧЛИЛАР САФИДА

Иқтидорли юртдошимиз Ирода Тўлаганова эса энг кучли теннисчилар таснифида 1166 очко билан йигирманчи поғонадан жой олди.

Таъкидлаш жоизки, эндигина бошланган Австралия очиқ чемпионати кучлилар рейтингига анчагина ўзгаришлар киритиши мумкин. Айрим кузатувчиларнинг таъкидлашича, ҳозир рўйхатда бешинчи поғонани эгаллаб турган белгиялик ракетка устаси Ким Клейстерс рейтингда биринчи ўринга кўтарилиш учун яхшигина имкониятга эга.

(ЎзА).

Ислоҳот инсон учун

СПОРТ ИНШООТЛАРИГА қўшимча маблағ

Меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг асосий вазифасидир. Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида бу соҳадаги фаолият анча кенгаяди.

Ижтимоий меҳнат муносабатларини жамоа шартномаси билан тартибга солиб туриш механизмини такомиллаштириш ва бозор иқтисодиётининг асосий субъектлари — иш берувчилар билан ишчилар ҳамкорлиги, манфаатларининг муштараклигига қаратилган ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш муҳим вазифа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ташкилотимиз маъмурият билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, ўз аъзоларининг фаоллигини оширмоқда.

Жамоамиз бир йилда 24693 тонна ун, 9555 тонна омухта ем, 1220 тонна нон, 58 тонна макарон, 10 тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Йиллик режаларнинг бажарилишида 285 нафар касаба уюшма аъзоларининг муносиб улуши бор.

Корхонада 30 минг тонна донни қайта ишлашга мўлжалланган, Швейцария технологияси асосида қурилган 2 та тегирмон, механизация, электр цехлари, лаборатория, новвойхона фаолият кўрсатаяпти. Бир кеча-кундузда 210 тонна дон қайта ишланмоқда.

Маъмурият билан тузилган жамоа шартномасида иш берувчи ва ишловчилар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий соҳалардаги манфаатларини ҳимоялаш тадбирлари аниқ белгиланган.

Ҳар олти ойда шартноманинг бажарилиши муҳокама қилиб борилади ва зарур ҳолларда унга ўзгартиришлар киритилади. Масалан, дори-дармон сотиб олиш учун 120 минг сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган эди. Тиббиёт ҳамшираси Назира Аҳмедованинг таклифи билан бу рақам 200 минг сўмга етказилди.

Бригада бошлиқлари Назира Ашурова ва Муҳаббат Каримовалар жамоамиздаги 12 та кам даромадли оила ва 4 та яккаёлғиз, 50 нафарга яқин нафақахўрни қўллаб-қувватлаш учун қўшимча маблағ ажратиш таклифи билан чиқдилар. Натижада ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга 938 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларга 2 миллион 300 минг сўм мукофот пули ҳам тарқатилди.

Ўтган йил бошида ўтказилган умумий йиғилишда жамият раиси Баҳодир Асоев олинган фойда ҳисобидан мактаблар, болалар боғчалари ва спорт тадбирларига қўшимча маблағ ажратиш кераклиги ҳақида таклиф киритганди. Изчиллик кўрсатилганлиги туфайли Когондаги 4-ўрта мактаб, маҳалла қўмиталари, «Умид», «Нуроний» жамғармалари, «Меҳрибонлик уйи», Кўзи ожизлар, Ногиронлар, Қизил Ярим Ой жамиятларига 5 миллион 291 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти билан ҳамкорликда иш олиб борилаётганлиги касаба уюшмалари фаолияти самарадорлигини ошириш, сафларимизни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ходимларнинг меҳнат фаоллигини кучайтириш имконини бермоқда.

Бахриддин ЭГАМОВ,
«Когондон» очиқ ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси.

Ўзбекистон автомобил йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концернига қарашли Навоий «Оҳакчи» йўллардан фойдаланиш бошқармасида 52 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Бир йилда 4000 тонна, кунлик оҳак ишлаб чиқариш эса 13-15 тоннани ташкил этади.

ҚУЛАЙ ШАРОИТ — ЯХШИ ИМКОНИЯТ

Касаба уюшма ташкилоти раҳбари Ҳаким Каримовнинг айтишича, корхонада ишловчи кам таъминланган ва кўп болали оилаларга йил давомида 100 минг сўмга яқин моддий ёрдам берилган. Ҳар бир ишчи учун кунига 210 сўмдан овқат пули ажратилади. Таътилга чиқаётганлар энг кам иш ҳақининг 7 баравари миқдоридаги пул билан сийланади. Тўй-маъракага ўтказган ишчига 60 минг сўм кўмак берилса, саккиз ишчи 2 ва бир ишчи энг кам иш ҳақининг 5 баробар миқдоридаги пул билан рағбатлантирилди. Кузатилган йилда 1 кишига «Навоийазот» бирлашмаси профилакторийсига, яна бир ишчига эса Ибн Сино номидаги санаторийга йўлланма берилди.

— Биз яратилган қулайликлардан хурсандмиз, - дейди оҳак цехи бошлиғи И.Истамов. - Заводимиз маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти иш шароитимизни яхшилаш, ойлик маошларини ўз вақтида олишимизни таъминлашмоқда. Келиб-кетишимиз учун транспорт ажратилганлиги эса узоғимизни яқин қилмоқда. Сут-қатиқда узилиш йўқ. Яратилган қулайликлар сабаб бўлса керак, меҳнат самарадорлиги юқори.

Заводда бўлганимизда, корхона тўла қувват билан ишлаётганди. Ишчиларнинг юзларида мамнунлик, ўз меҳнатларидан қониқиш ҳиссини сездик.

А.МУРОДОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МУШКУЛИ ОСОН БЎЛДИ

Абдулла Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика институтининг катта ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси Норбуви Бойчиева кутилмаганда мушкул аҳволга тушиб қолди.

— Ўтган йили 1 июндан навбатдаги меҳнат таътилига чиққан вақтимда институт раҳбарияти томонидан буйруқ чиқарилиб, мени ишдан бўшатишди.

Албатта, Норбуви мазкур буйруқдан норози эди. Шу боис раҳбар хузурига кирди. Гапнинг нафсиламбрини айтганда Н.Бойчиеванинг эътирози ўринли эди. Чунки у олий билимгоҳда ишлаб юрган вақтида бирор марта ҳам маъмурий жазо олмаган, Давлат аттестациясидан аъло баҳога ўтганди. Шу боис у Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасига ариза билан мурожаат этди. Жиззах вилояти тармоқ қўмитаси ходимлари аризада кўрсатилган барча важлар юзасидан холисона ва малакали текшириш ўтказди.

Ариза муаллифи ўзининг ноҳақ ишдан бўшатилганлигини шундай изоҳлайди:

«Институтимиздаги бир талаба машғулотларга мунтазам равишда қатнашмаганлиги боис ўқув дастурини яхши ўзлаштира олмади. Ўқув йили ниҳоясида доцент Н.Тоштемиров битирувчи талабаларни Давлат аттестациясига киритиш ҳақидаги буйруқни эълон қилди. Табиийки, юқорида номи зикр этилган талабанинг 10 та фандан қарзи бўлганлиги сабабли Давлат аттестациясига киритилмади. Лекин талаба қандайдир йўллар билан имтиҳонларни топшириб, Давлат аттестациясидан ўтиб, диплом олиб кетди. Мен ўз фанимдан унга баҳо қўймагандим. Бунинг учун баъзи раҳбарлар мени қаттиқ койиб: сен баҳоламасанг ҳам бошқалар қўйиб беришди-ку, — дея менга писанда қилишди».

Текширишда у билан тузилган меҳнат шартномаси ноқонуний равишда бекор қилинганлиги аниқланди. Натижада у севимли касбида ўз фаолиятини давом эттирадиган бўлди.

Н.РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҲАМЖИҲАТ БЎЛГАНГА НЕ ЕТСИН!

Меҳнатинг қадрланса, муносиб тақдирланса, кучингга-куч, ғайратингга-ғайрат қўшилиши табиий. Кизилтепа туманидаги «Варозин» ширкат хўжалиги иқтисоди тобора яхшиланиб бораётганлигининг асосий омили ҳам ана шунда. Хўжаликда пахта, ғалла ишлаб чиқариш режалари ортиғи билан бажарилди.

Амри Зайниддинов, Шуҳрат Жамолов, Собир Саидов, Зиёда Ҳикматова сингари оилавий пудратчилар пахтачиликдаги юқори кўрсаткичлари учун мусобақа ғолиби деб топилдилар. Яқинда хўжаликда йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда мусобақа пешқадамларига телевизор ва бошқа қимматбаҳо совғалар топширилди.

Хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси аҳолини ижтимоий ҳимоялаш шунингдек, маданий-маиший тадбирларга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида ишловчилар ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳимоялашга 2 миллион 313 минг сўмлик маблағ сарфланди. Мавсум давомида ошхоналар ишлаб турди ва иссиқ овқат учун хўжалик ҳисобидан қарийб 1 миллион сўм ажратилди. Зарарли ишда ишловчиларга махсус кийим-бош билан таъминланди, муттасил равишда сут, қатиқ бериб борилди.

Хўжаликнинг «Меҳнат» жамоаси ютуқлари айниқса, эътиборга молик. Жамоада бугунги кунда кураш бўйича 20 нафардан ортиқ спорт усталигига номзодлар етишиб чиқди. Кураш бўйича туман шахсий биринчилигида 5 нафар спортчи ғолиб деб топилди. Волейбол, баскетбол ўйинларида ҳам қувончли натижалар қайд этилди. Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик, деб шунга айтадилар-да.

С.ЯРАШЕВ.

Жондор туманидаги 37-ўрта мактабда хайрия тадбири ўтказилди. Мазкур тадбирда ўқувчиларнинг ота-оналари, тумандаги корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари, хўжалик фуқаролари қатнашишди.

ХАЙРИЯ МАРАФОНИ

Бунда айниқса, ўқувчиларнинг ота-оналари саховат кўрсатишди. Шунингдек, Абу Али ибн Сино номидаги хўжалик битта сигир, туман техника таъмирлаш корхонаси 10 минг сўм пул маблағлари ажратди. Хайрия марафонидан жами 150 минг сўм маблағ тушди. Бу маблағлар ўқув муассасасини газлаштиришга сарфланади.

«Туркистон-пресс».

ЭЪЗОЗ

Бугунги кунда Жиззах шаҳрида 12 минг нафардан зиёд пенсия ва нафақа олувчи қария ва ногиронлар яшайди.

Нуронийлар ҳаётий тажрибалари билан ҳар бир хонадонда тинчлик ва осойишталикни сақлашга, меҳр—оқибатни қарор топтиришга, фидойи ўғил-қизларни тарбиялашга баракали ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Жиззахда «Ўлкамиз боғлари — нуронийлар нигоҳида» дастури мавжуд. Ана шу асосда вилоят ўрмон хўжалиги раҳбари Мустафоқул Умрзоқов бош-қош бўлган 24 гектарли майдонда мевали боғ барпо этилди. Бундан ташқари, 18 гектар ерда болалар боғи, Хотира ва қадрлаш мажмуи ташкил этилди. Уларни Абдусаттор ота Муқимов қалб қўри билан парваришлаётир. Отахон куч-ғайрати билан Ўрда боғига қайта жон бағишлаб обод қилинмоқда.

Жиззах шаҳар «Нуроний» жамғармаси фаолиятида фахрийларга ғамхўрлик кўрсатиш энг асосий ўрин тутади. Унинг тасарруфидаги кичик корхоналардан тушган 2,5 миллион сўм маблағ отахону-онахонларни ижтимоий ҳимоя қилишга сарфланди.

Ҳамма байрамларда улар тўкин дастурхонларга таклиф этилиб, совға-саломлар улашилмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида 45 нафар кишига гилам туҳфа этилди. 200 нафар уруш қатнашчисига 500 минг сўмлик чинни буюмлар совға сифатида топширилди. Уруш ва меҳнат фахрийлари 1,5 миллион сўмлик газета-журналларга обуна қилинди. 290 нафар киши мамлакатимиздаги зиёратгоҳ жойларга олиб борилган бўлса, 465 нафар фахрий эса турли сиҳатгоҳларда дам олиб қайтди.

А. ЭРГАШЕВ.

Касаба уюшмалари бозор шароитида

АСОСИЙ ВАЗИФА - МЕҲНАТКАШ ИНСОНГА ҒАМХЎРЛИК

Бутун дунёда касаба уюшмалари иш берувчилар билан ишчилар ўртасидаги муносабатларда муҳим ўрин тутиб келган. Уларнинг асосий мақсади - меҳнаткашларнинг ҳак-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари бу оммавий ҳаракатга фаол кўшилмоқда. Бугун улар меҳнаткаш инсонга ғамхўрлик кўрсатишга асосий эътибор бериб, ўз фаолиятларини жадаллаштириш учун янги йўлларни изламоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Дилбар ЖАҲОНГИРОВА билан сухбатимиз республика касаба уюшмаларининг фаолияти тўғрисида бўлди.

- Дилбар Набиевна, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг раҳбари сифатида касаба уюшмаларининг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида қандай фикрдасиз?

- Президентимиз Ислом Каримов кўп бора таъкидлаганидек, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисмидир. Тараққий топган мамлакатлар ривожланишининг дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, касаба уюшмалари қанчалик фаол ҳаракат қилса, уларнинг давлатдаги ижтимоий ўрни шунча юқори, мамлакатдаги ижтимоий муҳит шунча қулай бўлади. Шундай экан, биринчи навбатда биз нималарга эътибор беришимиз лозим?

Менимча, бугунги кунда касаба уюшмалари тараққолашиб кетмасдан, асосий эътиборни меҳнаткаш инсон фаровонлиги билан боғлиқ йўналишларга қаратиши зарур. Буларнинг биринчиси - меҳнат ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган иш ўринлари. Иккинчиси - иш ҳақи ёки ишчи кучининг қиймати, баҳоси. Учинчиси - меҳнатни ҳимоя қилиш. Булар - бош масалалар. Касаба уюшмалари фаолиятида меҳнаткашлар тўғрисида ғамхўрлик билан бевосита боғлиқ бошқа йўналишлар ҳам бўлиши лозим. Бу оналик ва болалик, ўсиб келаётган авлодга доимий эътибор, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ва бошқалар. Касаба уюшмаларимиз бундай йўналишларга доимий эътибор қаратиб келмоқда.

- Энди касаба уюшмалари бевосита амалга ошираётган ишларга ўтсак.

- Юқорида таъкидлаганимдек, энг асосийси - бу инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи. Бироқ, афсуски, бу ҳуқуқлар камситилаётган ҳоллар мавжуд, боз устига баъзи раҳбарлар ўзларига ёқмайдиган ходимдан ҳар қандай йўл билан қутулиш ҳаракатида бўлади. Бундай одамларга ким ёрдам беради? Албатта, касаба уюшмалари. Бугун бизнинг сафимизда олти миллиондан ортиқ аъзо бор. Бу катта куч. Мабодо кимдир ҳимояга муҳтож бўлса, биз айбдорларни судда жазолашгача ёрдам беришга тайёрмиз.

Ўтган йили касаба уюшмалари меҳнат низолари бўйича 60 дан ортиқ суд мажлисида иштирок этди. Масалан, Самарқанд вилоятининг Пахтачи тумани марказий шифохонасида шифокорлар Абдуллаев, Бердиёров, Муҳаммадиев билан меҳнат шартномалари асоссиз равишда тўхтатилган. Касаба уюшмаси бу ишдан четда турмади ва суд қарорига кўра уларни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ ноқонуний деб топилди, шифокорлар аввалги ишларига тикланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Касаба уюшмалари идораларига ҳар йили ўн минг нафардан зиёд меҳнаткаш иш ҳақи, меҳнатни меъёрлаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқа масалаларда иш берувчилар олдида ўзларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилишмоқда.

- Очиғи, одамларимиз меҳнаткаш, ишга иштиёқи баланд. Бироқ бунинг учун зарур шароит яратилиши лозим. Шундай эмасми?

- Меҳнатни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун Олий Мажлис томонидан биринчилар қаторида қабул қилинган. 50 ва ундан ортиқ киши ишлайдиган корхоналарда меҳнатни ҳимоя қилиш хизматлари ташкил этилмоқда. Ишчилар учун соғлом муҳит ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга касаба уюшмаси фаоллари - меҳнатни ҳимоя қилиш бўйича вакиллар ва техник ҳуқуқий хизмат вакиллари ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ҳозир уларнинг сони қарийб 350 минг кишига етган.

(Давоми 2-бетда)

УДДАБУРОН КИШИЛАР

834 та янги иш ўрни яратишди

Кадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро азалдан қўли гул тўқувчилар, моҳир тикувчилар, зардўзлар юрти. Мустақиллик йилларида вилоятда енгил ва тўқимачилик саноатининг йирик янги корхоналари шаклланди ҳамда ривож топа бошлади.

Иш берувчилар билан тузилган жамоа шартномаларининг бажарилиши, меҳнат шартлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа юридик меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этилиши қатъий назоратга олинган.

Ижтимоий шерикчилик тамойилларини амалга оширишда Ибодулла Каримов раислик қилаётган «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитасида анча ибратли тажрибалар тўпланган. Корхонанинг 1-, 2-ип йигирув, пардозлаш, ип бўяш фабрикалари ва механика заводида ишлаб чиқариш ва техникавий интизом лозим даражада мустаҳкамланган. Шу боис тайёрланаётган маҳсулотлар жаҳон бозоридан муносиб ўрин олмоқда. Бунда 19 та касаба уюшма қўмитаси ва 40 та цех ташкилотларига уюшган 12 мингдан ортиқ касаба уюшма аъзоларининг муносиб улуши бор. Зеро, ишловчиларнинг 80 фоизи хотин-қизлар бўлган йирик жамоада аёлларнинг иш манфаатларини ҳимоя қилиш, маошларини вақтида олиши, қўшимча меҳнат таътиллари ва бошқа имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиши қатъий назорат остига олинган.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида корхоналарда янги технологик ускуналар ўрнатилиб, қўшимча иш ўринлари яратилянти. «Маҳаллий саноат» акционерлик компаниясига қарашли Қорақўл туманидаги «Ҳунарманд» масъулияти чекланган жамиятда янги цехлар ташкил этилиб, 834 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Корхона раҳбарларининг касаба уюшмалари билан ҳамкорликда иш юритаётганликлари туфайли ойлик маош ва мукофот пуллари ўз вақтида тўланмоқда.

Қўмита раёсати ва кенгашларида ишчи-хизматчиларга қулай меҳнат шароитлари яратиш, жамоа шартномаларининг бажарилиши, меҳнаткашларни соғломлаштириш, уларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш каби долзарб масалалар кўриб чиқилиб, аниқ йўналишлар белгиланганлиги яхши самаралар бермоқда. Натижада жамоаларда меҳнат қонунларини бузиш ҳоллари кескин камайди.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш фаолиятимизда асосий ўринни эгаллайди. Биргина «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятида ишчи-хизматчиларга бир йилда корхона маъмурияти томонидан 11 миллион 175 минг, касаба уюшма қўмитаси томонидан 1 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларнинг республика марказий оромгоҳларида дам олиш ва соғломлаштирилиши учун 2 миллион 700 минг сўм сарфланганди.

Вилоят «Сувоқова», «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бирлашмаларида ходимлар иш стажига қараб ичимлик суви, канализация,иссиқ сув ва иситиш тўловларидан 50 фоиздан 100 фоизгача озод этилган.

Жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари мунтазам ўтказиб турилибди. Аёллар ўртасида уюштирилган республика тармоқлараро мусобақада вилоятимиз спортчилари иккинчи ўринни эгалладилар.

Маданий-маърифий ишларни ҳам жонлантиришга ҳаракат қилинди. Бадиий ҳаваскорлик жамоалари «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловида доимий равишда қатнашиб келишяпти. Айниқса, «Бухоротекс», «Зардўз», «Бухоро ипаги», «Нигора» ҳиссадорлик жамиятлари, кўзи ожизлар ишлаб чиқариш корхонаси халқ истеъдодлари ўз ижодларини бойитиб боришаяпти. Шунинг учун ҳам бадиий ҳаваскорларимиз республика тармоқлараро кўрик-танловида фахрли 2-ўринни эгаллашди.

Меҳнат аҳлининг маънавий эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий ҳимоялашнинг қонуний меъёрларини жорий этиш каби ташкилотчилик ишлари аниқ мақсадга йўналтирилган, замонавий талабларга қатъий амал қилинаётган жойда ишнинг яхши кетишини биз ўз фаолиятимизда кўриб турибмиз.

М.ҚОСИМОВА,
Бухоро вилоят Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

Жамоада соғлом, ўзаро талабчанлик муҳити



Фарғона Механика ҳиссадорлик жамияти қошида «Евроосиё—Тапо—Диск» Ўзбекистон—Британия қўшма корхонаси автомашиналар учун энг керакли қисм ишлаб чиқармоқда. У бир кунда 6-7 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаяпти. Бу ерда 240 нафар маҳаллий ёшлар меҳнат қилаётир.

Корхонага компьютерлаштирилган замонавий дастгоҳлар Голландия, Италия ва Германия давлатларидан келтирилган. Хомашё эса Финляндиядан сотиб олинмоқда. Энг муҳими, экспорт қилинаётган маҳсулот сифати юқори баҳоланаяпти.

Суратларда: қўшма корхона ишчиси Евгений Душкин; тайёр маҳсулот.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

АСОСИЙ ВАЗИФА - МЕҲНАТКАШ ИНСОНГА ҒАМХЎРЛИК

(Боши 1-бетда)

Чунончи, ўтган йилларнинг бирида улар тўрт миллиондан зиёд тартиббузарлик ҳолатларини аниқлади ва бу ҳолатлар иш берувчилар томонидан беш-ўн кун ичида тузатилди. Бизда мавжуд меҳнат техника хавфсизлиги мутахассислари ҳам кўп иш қилмоқда. Мен ҳозир уларнинг иш қўламини кўрсатувчи йирик рақамларни келтириб ўтирмоқчи эмасман. Шуни алоҳида таъкидлашим мумкинки, олдиндан кўрилаётган ҳаракатлар ҳар йили ўн минглаб ишчиларни турли жароҳатланишдан асраб қолмоқда.

- Меҳнат ва дам олиш - иш берувчи ва ишчилар ўртасидаги ўзаро келишувга мувофиқ ҳал қилинади. Яъни бу ўринда жамоа шартномаси энг муҳим ҳужжат ҳисобланади, тўғрими?

- Бу ростдан ҳам шундай. Ҳозирги пайтда республикада тармоқ касаба уюшмалари марказий кенгашлари ва тегишли вазирликлар, идоралар, концернлар, акционерлик ва холдинг компаниялари, бошқа хўжалик субъектлари ўртасида 70 дан ортиқ битим тузилган. Булар - асосий ҳужжатлар. Улар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотларда жамоа шартномаси тузиш учун асос вазифасини ўтайди. Ҳозирги пайтда республикада ўттиз мингдан ортиқ жамоа шартномаси тузилган. Улар олти миллиондан ортиқ ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини қамраб олади.

Бу ҳужжатларнинг аҳамияти нимадан иборат? Иш берувчи олинадиган даромаддан келиб чиқиб, касаба уюшмаси иштирокида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга оид турли қўшимча бандлар киритиши мумкин. Бу ҳужжат банклар томонидан корхона, фирма, ташкилотга ходимларни рағбатлантириш, бошқа ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун пул беришда кафолат вазифасини ўтайди. Ишлаб чиқаришнинг барча иштирокчилари учун жамоа шартномаси қанчалик муҳимлигини англаш зарур. У меҳнат самарадорлигини ошириш, ҳар бир ишчининг сидқидил меҳнат қилишини рағбатлантириш омили бўлиб, иш берувчига энг илғор ишчиларни тақдирлаш имконини беради.

Афсуски, жамоа шартномасини ҳамма жойда ҳам, айниқса мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги корхоналарида доим ҳам тўғри тушунишавермайди. Баъзан бундай корхоналарда меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари поймол этилмоқда. Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва қабул қилинганларини рўйхатга олиш амалиётини жорий қилди. Бу қонунчиликка зид ҳолатларга йўл қўймаслик имконини беради. Шунингдек, жамоа шартномаларини бажариш бўйича идоравий статистик ҳисобот ҳам жорий этилган.

- Ўтган йил мамлакатимиз Президенти ташаббусига кўра, Оналар ва болалар йили деб эълон қилинган эди. Касаба уюшмаларининг қўшган ҳиссаси қандай бўлди?

- Оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрлик - фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бири. Болалар - мамлакат келажаги. Улар соғлом, бақувват, баркамол, Ватанимизнинг фидойи инсонлари бўлиб улғайишлари зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти буни қайта-қайта таъкидлаб келмоқда. Касаба уюшмалари мамлакатимизнинг энг оммавий жамоат ташкилоти бўлгани боис бу муҳим ишлардан четда тургани йўқ, албатта.

Федерациямиз томонидан Оналар ва болалар йилига йўналтирилган комплекс дастур ишлаб чиқилган эди. Дастурга мувофиқ турли тадбирлар ўтказилди. Тасарруфимиздаги санаторий ва профилакторийларда минглаб оналар болалари билан имтиёзли йўлланмалар бўйича дам олди ва саломатлигини тиклади. Алоҳида таъкидлашни истардимки, касаба уюшмалари шифохоналарида муносиб шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор беряпмиз. Ўтган йили уларни ривожлантириш ва таъмирлашга бир миллиард сўмдан ошиқ маблағ сарфланди. Бу маблағлар ҳисобига «Чинобод», «Турон» санаторийларида ётоқхона бинолари, «Қашқадарё соҳили» санаторийсида даволаш биноси фойдаланишга топширилди, бошқа кўпгина ишлар амалга оширилди.

Хотин-қизлар саломатлигига ҳам мунтазам эътибор қаратилмоқда. Касаба уюшмалари иштирокида ҳукумат томонидан хотин-қизлар меҳнати тақиқланган ишлар рўйхати тасдиқланди. Бу 16,5 минг нафардан ортиқ аёллар саломатлигини сақлаб қолиш имконини беради. Шунингдек, пенсия қонунчилигига 20 йил меҳнат стажига эга бўлган аёлларга 54 ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ўзгартиш киритилди.

Ўтган йилнинг ёз мавсумида болалар соғломлаштириш лагерларида 285 минг нафардан ортиқ боланинг дам олиши ташкил этилди. Бу мақсадларда 1 миллиард 854 миллион сўм сарфланди. Оролбўйи минтақаси болаларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. 20 минг нафар бола бепул, касаба уюшмалари ҳисобига дам олди. Бундан ташқари, Оролбўйидан келган 4500 нафар аёл бепул йўлланмалар бўйича касаба уюшмалари шифохоналарида даволанди. Хотин-қизлар ва болалар учун спорт тадбирлари ўтказилди.

- Янги йил Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинди. Бу борада Касаба уюшмаларининг режалари нималардан иборат?

- Уруш ва меҳнат фахрийлари, қарияларга республика касаба уюшмалари доимий ёрдам кўрсатиб келган ва бу ишларни бундан буён ҳам давом эттиради. Бу борада 2002 йил алоҳида аҳамиятга эга. Қарияларга нафақат моддий ёрдам, балки ҳурмат-эътибор, атрофдагилар, айниқса ёшларнинг ғамхўрлиги даркор. Республика касаба уюшмалари федерацияси қариялар манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ асосий йўналишлардан келиб чиқиб, махсус дастур ишлаб чиқмоқда. Жумладан, бу йил санаторий-профилакторийларда уч минг нафардан ортиқ ишлаётган нафақахўрларни соғломлаштириш режалаштирилмоқда. Улар учун «Турон» санаторийсида юзлаб қўшимча ўринлар, «Бўстон», «Ботаника» санаторийларида махсус ўринлар ажратилмоқда. Юрак-қон томир касалликлари билан хасталанганлар учун реабилитация маркази қуриш режалаштирилмоқда, «Оқтош» санаторийсида қўшимча бино қуриб фойдаланишга топширилади.

Суҳбатимиз якунида шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, касаба уюшмалари ҳукумат, вазирликлар, идоралар, бошқа тузилмалар билан яқин ҳамкорликда иш юритмоқда. Президент Ислом Каримов мунтазам эътибор бериб, айниқса, катта ёрдам кўрсатмоқда. Биз бундай кўмак ва эътиборни чуқур ҳис этган ҳолда асосий вазифамиз - меҳнаткаш инсон тўғрисида ғамхўрлик қилиш, мустақиллик йўлида мамлакатимизнинг янада олға бориши учун меҳнаткашларни янада жипслаштириш борасидаги ишларимизни янги поғонага кўтарамиз.

Суҳбатдош:
В.ДРАЧЕВ,
ЎзА мухбири.

Адлия вазирлигининг жойлардаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бўлимларига ўтган йил давомида 1200 дан зиёд шикоят ва ариза тушган. Аризаларнинг аксарияти деҳқон ва фермер хўжаликлари, оилавий пудратчи ҳамда ижарачилар томонидан йўлланган бўлиб, уларда топширилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳақларини ўз вақтида ололмаганликлари баён этилган.

Талаб қондирилди

ЎзА мухбирига вазирликдан маълум қилишларича, ариза ва шикоятлар ўз вақтида кўриб чиқилган. Натижада даъвогарларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимоя этилиб, судларга уларнинг фойдасига 1 миллиард 615 миллион сўм ҳамда 341 миллион АҚШ долларига яқин маблағ ундириш ҳақида 780 тадан зиёд даъво аризаси киритилган. Шу тариқа ариза ва шикоятларнинг аксарияти қаноатлантирилган. Айни вақтда 4,6 миллион сўмлик маънавий зарар ҳам эгаларига ундириб берилди.

Навоий шаҳридаги йирик корхоналардан бири «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мамлакатимиз кимё саноатига қўшаётган ҳиссаси беқиёс. Бирлашмада 10 минг нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

«НАВОИЙАЗОТ»НИ ХОРИЖДА ҲАМ БИЛИШАДИ

Ўтган йили бу ерда каустик сода ишлаб чиқариш, ундан сал илгарироқ эса метанол, тиамочевина, гилам тўқиш, ип йигириш корхоналари ишга тушган эди. Бирлашманинг ҳам энига, ҳам бўйига кенгайиб бориши қўшимча иш ўринлари очиш имконини яратди. Биргина 2001 йилнинг ўзида 1 минг 500 киши иш ўрни билан таъминланди.

Ҳозирги пайтда корхонада қарийб 300 хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Корхона маҳсулотларига чет давлатларда қизиқиш ортиб бораётгани, айниқса эътиборга сазовор. Айни пайтда МДҲ, шунингдек, Туркия, Ироқ, Венгрия каби 20 дан ортиқ мамлакатга маҳсулот экспорт қилиняпти. Ўтган йили 6 минг 300 тонна нитрон толаси, 470 тонна метанол, 2 минг тонна уксус кислотаси, 50 минг тонна аммиак селитраси, 200 тонна хлор суюқлиги ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, унинг бир қисми хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди.

(ЎзА).

Таҳририятга хат

ОЙЛАБ ИШЛАМАЙДИГАН ЛИФТЛАР

Янги йил байрамини кутиб олишга ҳар бир хонадонда қизғин тайёргарлик кўрилиши табиий. Кимдир арча безайди, кимдир бозор-ўчар деганларидек, югуриб-елади. Тасаввур қилинг, рўзғор харажатини қилиб, оғир халта-ҳуржун билан уйга келдингиз. Кўп қаватли бинонинг юқори қаватига чиқиш учун лифт тугмасини босасиз, аммо, «тош» қотиб турса, қўлингиздан нима келарди. Шунда лифтчини излаб қоласиз. Агар уни тополсангиз хўб-хўб, лекин... Нега дейсизми, чунки, лифтни бошқарадиган пульт хонаси омборхонага айлантирилган.

Хуллас, лифт ишлашига кўзингиз етмагандан сўнг тақдирга тан бериб, халта-ҳуржунни орқалаб, юқорига чиқа бошлайсиз. Йўлакларда чироқлар йўқлиги, зиналарнинг кўчиб кетганлиги сабабли оёғингизни авайлаб босмасангиз, уйингизга эмас, шифохонага тушиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Ишламайдиган лифт, айниқса, отахону онахонлар, болали аёллар ва беморлар учун кони азоб.

Масалан, Собир Раҳимов туман, Гуруч-ариқ маҳалласида жойлашган Марказ-22, 36-уйнинг лифти нафақат Янги йил арафасида, балки бошқа кунларда ҳам ишламайди.

Ушбу уйга хизмат кўрсатувчи «Гуруч-ариқ обод» ширкат раҳбари М.Мирсодиқовага мурожаат қилишдан фойда чиқмайди, айтган тақдирингизда ҳам сизга лифтчига мурожаат қилишингизни маслаҳат беради.

Мазкур ширкат билан аҳоли ўртасида тузилган 2001 йил 13 январдаги «Уй-жойларга техник ва коммунал хизмат кўрсатиш» шартномасига асосан ширкат «ижрочи» сифатида носозликни 24 соат ичида бартараф қилиб бериши кўрсатилган. Афсуски, кўплаб лифтлар ойлаб ишламайди. Бундай салбий ҳолатни Тошкент шаҳар «Лифттаъмирлаш» корхонаси раҳбарлари қандай баҳолашар экан?

236-кўп қаватли уйда яшовчилар номидан:
Ф.ШОКИРОВА,
пенсионер.

«СИЙЛОВ»

ёки қизилтепалик фермерларнинг судмасуд сарсон бўлиши қачон барҳам топади?

Одатда эртакларда ҳақ жойида қарор топади. Лекин бу эртакнинг эса боши бор-у охири йўқ. Қизилтепа туманида «Қуйимозор» деган агрофирма бўлган экан. Агрофирма ҳудудида кўп йиллардан бери «Тешабой», «Ҳаққулбобо» деган фермер хўжаликлари — боғдорчилик қилишаркан. Лекин уларнинг эзгу ниятлари кўпга чўзилмабди.

Агрофирма раиси Музаффар Рўзиевнинг ҳасади келиб, олмазор боғларни хўжалик ҳисобига қайтариб олиш ўй-хаёли билан яшар экан. Кунларнинг бирида, яъни 1999 йилнинг октябрида у режани амалга оширишга аҳд қилибди.Шу куниёқ хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг йиғилиши чақирилиб, ҳар иккала фермер хўжалиги фаолиятини тўхтатиш, уларнинг банклардаги ҳисоб рақамларини ёпиш, олмазор боғларни эса агрофирмага қайтариш ҳақида қарор чиқартирибди. Қарангки, раис негадир фермерларда ерга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери борлигини, уларнинг банклардаги ҳисоб рақамларини ёпиш ўз ваколати доирасига кирмаслигини ҳисобга олмабди.

Ана шу ғайриқонуний қарор асосида Қизилтепа туман ҳокимининг 1999 йил ноябрдаги К-11/898-сонли қарори чиқарилгани бундан ҳам ажабланарли бўлди. Боз устига ҳой, шошманглар, бу ишларинг қонунга зид-ку, дейдиган бир мард топилмади.

Энди гапни фермерлар А. Ҳаққулов ва З.Маҳмудовалардан эшитсак. Улар ноқонуний буйруқларга барҳам бериш мақсадида республика Адлия вазирлигига мурожаат қилишди. Қонун ҳимоячилари бу ишга киришдилар. Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2000 йил августдаги тақдимномаси билан туман ҳокими ва агрофирма қарорлари бекор қилинди. Қизилтепа туман судининг 2000 йил ноябрдаги мажлиси ҳар иккала фермерга етказилган моддий ва маънавий зарарни «Қуйимозор» агрофирмаси раиси М.Рўзиев ва раис ўринбосари Б.Хўжаевдан ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Таажжуб!

Эртагингиз шуми, ҳаммаси яхшилик билан тугабди-ку, дейишингиз табиий. Аммо фермерларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Ўтган йилнинг май ойида вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг №2-1-37-сонли ажрими билан Қизилтепа туман судининг ҳал қилув қаро-

(Давоми 3-бетда).

ИШСИЗЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИБ

Қўмитамиз пленумлари ва раёсат йиғилишларида касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштиришга оид қатор масалалар кўриб чиқилди. Натижада корхона ва ташкилотларда ишлаётган аёллар ва ёшларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, ишлаб чиқариш гимнастикасини ривожлантириш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда муайян силжишларга эришдик.

Бошланғич ташкилотларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида касаба уюшма фаоллари билан ижтимоий шерикчиликни ривожлантиришда келишувлар, жамоа шартномалари тузишнинг аҳамияти, уларнинг бажарилиши, қонунчиликка амал қилиш ва меҳнат муҳофазаси, ходимларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий ҳимояни уюштиришда цех ташкилотларининг вазифалари каби мавзуларда семинар-кенгашлар ўтказилди.

Аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш шароитларини яхшилаш, кам таъминланган оилалар ва ногиронларга ёрдамлашиш асосий вазифамизга айланган. Бултур санаторий-курортларда 845, профилакторийларда 2242 киши, оромгоҳларда 4515 нафар ўғил-қиз дам олдирилди. Ишчи-хизматчиларнинг саломатлиги учун касаба уюшма маблағларидан салкам 54 миллион, уларнинг фарзандлари учун 17 миллион сўм сарфланди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган 150 нафардан ортиқ аёл ҳамда 126 нафар бола дам олиб, даволаниши таъминланди.

Ҳаракат дастурида белгиланганидек, хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, жамиятдаги мавқеини ошириш, аёлларнинг меҳнат қилиши, эркин касб танлаши, хавфсиз меҳнат шароити, ижтимоий ҳимоя, тиббий хизмат билан таъминлаш, оилани режалаштириш каби ҳуқуқларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда тасарруфимиздаги корхона ва ташкилотларда 3558 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Таътилда юрган оналарга ҳар ойда 3675 сўмдан моддий ёрдам берилянти.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддаси, Меҳнат кодексининг 233-моддасига асосан аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланмоқда. Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга бериладиган бўш вақтдан ташқари, болани озиқлантириш учун ҳам қўшимча танаффуслар жорий этилган. Жамоа шартномасига киритилган имтиёзларга асосан, туғиш ёшидаги 207 нафар аёлга 1 миллион 315 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

«Ўзбурғунефтгаз» ҳиссадорлик жамиятида хотин-қизлар ўртасида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларга маъмурият ва касаба уюшма маблағи ҳисобидан 340 минг сўм сарфланди. Уларнинг санаторий ва профилакторийларда даволанишлари учун 13 миллион сўмлик маблағ харажат қилинди. 8 миллион сўмлик ун, шакар ва гуруч тарқатилди. Тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштириш учун эса 23 миллион сўм ажратилди.

«Муборакнефтгаз», «Шўртаннефтгаз» унитар корхоналари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шаҳрисабз электр тармоқлари корхонаси (қўмита раислари Д.Бозоров, Ш.Йўлдошев, М.Нурмуродов, С.Фармонов)да хотин-қизлар ва ёшлар меҳнатини муҳофазалаш, улар учун имтиёзлар ва шароитлар яратиш масалаларига жиддий аҳамият берилмоқда. «Она ва бола» республика кўрик-танловида «Шўртаннефтгаз»га қарашли «Нодирабегим» болалар боғчаси тарбиячиси Раъно Баратова биринчи ўринни эгаллади. Республикамиз таниқли адиблари ва санъаткорлари билан учрашувлар, «Иқбол», «Ибратли оила», «Қизлар даврасы» каби мавзулардаги мулоқотлар, «Балли, қизлар» кўрик-танловларини ўтказиш одат тусига кириб бормоқда.

Илғор тажриба кўпчилик мулки

Касаба уюшмалари ижтимоий шерикчиликнинг устувор мақсад ва вазифаларини амалга оширар экан, хотин-қизлар, болалар дам олиш оромгоҳлари ва санаторийларга йўлланмалар қийматини қисман қоплаш, ходимларнинг фарзандлари учун дарсликлар, ўқув анжомлари ва мактаб формаларини харид қилиш, аёлларни енгил ишга ўтказиш, иш ўрни қисқартирилганда имтиёзлар бериш, 20 йил меҳнат стажи бўлган аёлларни 54 ёшида нафақага чиқариш каби қулайликлар жорий этилган. Айни пайтда 500 нафардан ортиқ аёл ана шундай имтиёзлардан фойдаланмоқдалар. Лекин «Қаршиэнерготаъмир», Қашқадарё электр тармоқлари корхоналари, Талимаржон ГРЭС қурилиши бошқармаси, Шўртан улгуржи савдо очиқ ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма ташкилотлари (раислари М.Бухоров, Р.Бердиев, А.Жумаев, Ж.Холмўминов)да эса жамоа шартномаларида аёллар ва ёшларнинг манфаатларига бевосита алоқадор масалалар ўз ечимини топган эмас. Улар йўл қўйилаётган камчиликларга тезда барҳам берадилар, деб ўйлаймиз.

Сафар ҲАМРОЕВ,
Қашқадарё вилояти Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

Тадбиркорлик — давр талаби

Дастурхонимизнинг тўкин-сочин бўлиши, бозор пештахталарининг сифатли маҳсулотга тўлиши, хонадонларимизнинг ризқ-баракаси қишлоқ хўжалигида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга боғлиқ.

«ОТАМДАН ҚОЛГАН ДАЛАЛАР»

Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Тошпўлат Тўраев қирқ йилдан бери деҳқончилик билан шуғулланади. Қарши чўлини ўзлаштирувчиларнинг олдинги сафида бориб, қўриқдаги «Оқ олтин», «Туркманистон», «Чаросгул», Яхши Омонов номли жамоа хўжаликларини бошқарди. Пировардида олим шунга амин бўлдики, яхши яшашнинг энг қулай йўли — бу фермерликда экан.

— Мустақиллик шарофати туфайли мулкчиликка кенг йўл берилди — дейди Тошпўлат ака. — «Ер кодекси», «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантиришга имкон яратди.

Бундан икки йил муқаддам Т. Тўраев чўл ҳудудидан камҳосил 69 гектар ер олиб, фермер хўжалиги тузди. Кўп йиллик тажрибалари, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича эгаллаган билимлари ўзининг самарасини берди.

Ҳар йили шартнома режалари ошириб бажарилди. Бунинг боиси ерга сифатли ишлов берилаётганлиги, маъданли ва маҳаллий ўғитлардан, сув, техника ресурсларидан унумли фойдаланилаётганлигидадир.

Ҳозирги пайтда фермер даласида 36 гектар майдонда дон ўстирилмоқда. 30 гектар ердаги пахтадан бултур мўл ҳосил етиштирилди.

Жамоада моддий манфаатдорлик тўғри йўлга қўйилганлиги, аъзоларнинг яшаши ва ишлаши учун ҳамма шароитлар яратиб берилганлиги муваффақиятни таъминлаяпти.

Тажрибали механизатор Ёқуб Айматов, сувчи Рўзибой Ваҳобов, чевар теримчилар Анора ва Ҳафиза Ҳақбердиева, Гули Ваҳобовалар фермер хўжалиги иқтисодиётини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Уларнинг ойлик маоши ҳам 15-20 минг сўмга тўғри келаяпти.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, фермер хўжалигининг даромади 11 миллион сўмни ташкил этади. Шунинг 7 миллион сўми соф фойдадир.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техника таъминоти, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори деҳқонларнинг кучига куч, ғайратига-ғайрат қўшди.

Йил ўн икки ой далада меҳнат авжида. Бу ишларга касби агроном, илмий даражаси қишлоқ хўжалик фанлари номзоди бўлган, вилоятнинг илғор фермерларидан бири Тошпўлат Тўраев бош-қош.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Бўка туманидаги «Камолот» фермер хўжалигининг ташкил топганига ўн бир йил бўлди. Ҳозир у тумандаги илғор хўжаликлардан бири ҳисобланади. Унинг раҳбари Абдурашид Абдураҳмонов маданият ва маърифат шайдоси. Шу боис ўзи истиқомат қилаётган қишлоқда «Тожмаҳал» деб ном олган маънавият марказини қуриб ишга тушириш ташаббуси билан чиқди. Марказ қуриб битказилди. У яқинда фойдаланишга топширилади ва қишлоқ ёшларнинг севимли масканига айланади.

Суратларда: 1. «Тожмаҳал» маънавият марказининг умумий кўриниши. 2. Фермер хўжалиги раҳбари А.Абдураҳмонов (чапдан иккинчи) ва туман тадбиркорлар палатаси раиси муовини Ф.Исомов хўжалик аъзолари даврасида.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

Муаммо кўндаланг қўйилади

Инсон саломатлиги истеъмол қилаётган маҳсулотининг нечоғли сифатлилигига ҳам боғлиқ. «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлар фуқаролар манфаатлари муҳофазаси йўлида хизмат қилмоқда.

МАҲСУЛОТ САВДОДАН ОЛИНДИ

Бу борада Самарқанд вилоят Санитария-эпидемиология назорат маркази давлат солиқ бошқармаси, тадбиркорлар палатаси, прокуратура, ҳудудий сертификатлаш ва стандартлаш маркази ходимлари ҳамкорлигида бир қанча тадбирларни амалга оширди. Вилоятда истеъмолчиларни сифатли, йодланган ош тузи билан таъминлаш, аҳоли ўртасида бўқоқ касаллигининг олдини олиш мақсадида бу маҳсулот сифати мунтазам назорат қилиб борилмоқда.

Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, давлат санитария талабларидан келиб чиққан ҳолда, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи барча турдаги корхона, тадбиркор ва сотувчиларга сифати кафолатланган маҳсулотлар тайёрлаш, сақлаш ва сотиш учун амалдаги меъёрий талабларга қатъий риоя этиш юзасидан талабномалар берилган бўлса-да, унга амал қилмаслик ҳолатлари ҳамон учраб турганлиги ачинарли ҳолдир.

Масалан, ўтган йилнинг ўн бир ойида шундай шахслардан 1981 нафарига нисбатан жарима қўлланилган. Ишлаб чиқаришда санитария талабларига амал қилмаганлиги учун Самарқанд шаҳридаги «Вазир-Д» фирмасига қарашли колбаса цехи бошлиғи Илҳом Акабиров, муддати ўтган салқин ичимликлар билан савдо қилган Самарқанд туманилик хусусий тадбиркор Тўхта Ашурова, тиббий кўрикдан ўтмасдан озиқ-овқат маҳсулотларини сотгани учун Самарқанд шаҳрилик тадбиркор Нурмат Набиев ва бошқаларга маъмурий жазо берилди.

Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек кўчаси 79-уйда жойлашган, сифатсиз қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарган ва умуман, шунга ўхшаш давлат санитария назорати талабларини бажармаган 1147 та объектлар фаолияти тўхтатилди. Текширувлар жараёнида кўплаб яроқсиз маҳсулотлар истеъмолдан олиб қўйилди.

Бундай неъматларни харидорларга тақдим этаётган сохта тадбиркорлар наҳотки, инсон саломатлигига путур етказаётганликларини ўйлаб кўришмаган бўлса?!

Санитария-эпидемиология назорат маркази ходимлари билан ҳамкорликдаги текширишда савдо шоҳобчалари, умумий овқатланиш корхоналарида ҳам салбий ҳолатлар кўплигининг гувоҳ бўлдик. Хусусан, «Сиёб» бозоридаги тадбиркор Аслиддин Салоҳов дўконида сотилаётган колбаса, маргарин, сариёғ, пишлоқ маҳсулотларининг мувофиқлик сертификати, сифатини кафолатловчи ҳеч қандай ҳужжатлар йўқ эди. М.Мўминов дўконидаги аҳволни кўриб ёқа ушлайсиз. Негаки, бу ерда сотилаётган гўшт ва сут маҳсулотларининг сифат сертификати у ёқда турсин, ҳатто антисанитария ҳолатида савдо қилинаётганди. Боз устига, тарози давлат стандартидан ўтмаган, ун маҳсулотлари санитария нормаларига зид ҳолда сақланмоқда. Шоҳобчанинг ўзи эса таъмирга муҳтож.

Бозор маъмуриятининг шундоқкина ёнида жойлашган ўзларини «Ёшлик» ошхонасидан, деб таништирган шахсларнинг иш фаолияти мутлақо қониқарсиз. Ҳеч қандай савдо рухсатномасисиз, санитария нормаларига амал қилмасдан, иш кийимсиз, ошхона жиҳозлари талабга жавоб бермаса-да, мижозларга хизмат қилмоқда. Бундай қонун бузилишларига ҳудуднинг кўпгина жойида дуч келиш мумкин. Шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган «Гастроном»га қарашли дўконда эса 22 дона маргарин истеъмол муддати аллақачон ўтиб кетганига қарамай, пештахталарни «безаб» турибди. «Мармар» бозори ҳудудида жойлашган хусусий тадбиркор Толиб Нажмиддиновга қарашли қандолат цехида ишлаб чиқариш жараёнида санитария талаб меъёрларига амал қилинмаётгани, сотувга чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини кафолатловчи, истеъмол муддати, тайёрланган санаси каби ёрлиқларнинг бўлмаганлиги қонун бандида кўрсатилган талабларга зиддир.

Бу борада Бухоро вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Кўпгина жойларда, хусусан Бухоро шаҳрида «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамоатчилик маркази» тузилиб, улар айнан шу манфаат йўлида ўз кўмакларини аямаяптилар. Бироқ, истеъмолчилар ҳуқуқини поймол қилаётган, уларни сифатсиз маҳсулот билан «сийлаётган» тадбиркорлар ҳам учраб турибди.

Ўтган йил давомида вилоят ҳудудидаги савдо тармоқларидан сифати бузилган ёки кимёвий кўрсаткичларга тўғри келмаган 436,8 кг. гўшт, 115 кг. сут, 90,6 кг. қандолат маҳсулотлари, 4821 кг. мева-сабзавотлар, 1452 кг. ош тузи ва ҳар хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари савдодан олинди. Харидорларнинг ҳақли эътирози, қонун бузилишларининг юзага келиши ва назоратни бўшаштириб юборганлиги учун Когон шаҳри, Олот, Шофиркон, Вобкент туманлари деҳқон бозорлари ҳиссадорлик жамияти раислари эгаллаб турган лавозимларидан озод этилди. Жамият раисларидан етти нафарига маъмурий жазо қўлланилди.

Бухоро шаҳридаги «Ёқут» хусусий фирмасига қарашли дўконда аҳвол бир қарашда кўнгилдагидек. Аслида истеъмолчилар учун маълумот бурчаги жорий этилмаган. Пештахталарни безаб турган Қозоғистон Республикасидан келтирилган ароқларнинг ҳеч қандай сифат сертификатисиз, боз устига, ўша давлат акциз маркасида сотилаётганлигини қандай баҳолаш мумкин? Туман солиқ инспекцияси ходимлари балки бу мушкулни осон қилишар?!

Когон шаҳридаги «Муродали» хусусий фирмасига қарашли дўконда бўлганимизда, сариёғ, гўшт ва қандолат маҳсулотларининг истеъмолга яроқлилик ҳужжатини кўриш имкони бўлмади. Харидорлар учун маълумот бурчаги эса ташкил этилмаган. Шу ўринда эслатиб ўтишни истардик: текширишларни тартибга солишга доир Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари эълон қилинди. Таъкидлаш жоизки, тадбиркорларнинг манфаатларини қонуний ҳимоялаш, эркин фаолият юртишилари учун кенг имкониятлар яратилди. Бироқ уларнинг баъзилари бу имкониятдан истеъмолчиларнинг ҳуқуқини поймол қилиб, мўмай даромад топиш мақсадида «текширувчи йўқ-ку, ким кўриб ўтирибди» қабилида иш тутиб, унинг асл моҳиятини тушуниб етишмаяпти. Юқорида санаб ўтилган камчиликларни мутасадди ташкилотлар бартараф этишларидан умидвормиз. Зеро, истеъмолчи манфаати — муқаддас!

Курбон НАБИЕВ,
Республика Давлат Санитария-эпидемиология назорат маркази вакили.
Давур ЖОЗИЛОВ,
«Ишонч» махсус мухбири.

Саволингизга Ўз КУФКнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими меҳнат-техник назоратчиси Р.НУРИТДИНОВ жавоб беради

САВОЛ: ***Соғлигимга шикаст етказилганлиги боис менга Элликқалъа тумани тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси томонидан II гуруҳ ногиронлиги белгиланган. Шу муносабат билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори ва уни ҳўжаликдан олишдаги ҳақ-ҳуқуқимни тушунтириб беришингизни сўрайман.***

И.ҚУРБОННИЁЗОВ,
Элликқалъа тумани, «Ал-Хоразмий« деҳқон-фермер хўжалигининг собиқ агрономи.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасида мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, шунингдек, айрим хусусий тадбиркорлар ихтиёрида меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

Соғлиғига шикаст етказилганлиги бўйича бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори ва уни олиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1994 йил 1 феврал 48-сонли қарори ва Меҳнат Кодексида белгилаб берилган.

Меҳнат Кодексининг 194-моддасига асосан ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги учун иш берувчи томонидан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса — иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Бунда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак. Ўртача ойлик иш ҳақи касалликка сабаб бўлган ишни тўхтатишдан олдинги 12 ой бўйича белгиланади ва йиллик ўртача иш ҳақи ҳисоблаб чиқилади.

Ариза берилган кун нафақани тўлаш тўғрисида мурожаат қилинган кун деб ҳисобланади. Бир йўла бериладиган нафақани олиш ҳақидаги аризани иш берувчига жабрланувчи ходим ёки нафақани олишга ҳақли бўлган манфаатдор шахслар беради. Иш берувчи аризани кўриб чиқиши ва ариза тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида тегишли қарор қабул қилиши шарт.

Иш берувчининг ходимга нафақани тўлаш ҳақидаги буйруғининг нусхаси ёки рад этиш ҳақидаги далил-асосли ёзма жавоби у қабул қилинган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида ходим ёки манфаатдор шахсларга топширилади.

Ходим ёки манфаатдор шахслар иш берувчининг қарорига рози бўлмаган ёки белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда, улар мазкур низони ҳал қилиб бериш учун судга мурожаат қилишлари мумкин.

«СИЙЛОВ»

ёки қизилтепалик фермерларнинг судма-суд сарсон бўлиши қачон барҳам топади?

(Боши 2-бетда).

ри бекор қилиниб, янгидан бошқа тартибда кўриш учун Навоий туман фуқаролик ишлари бўйича судига юборилди. Бунга асос қилиб фуқаролик процессуал қонуни талаблари бузилгани, чунончи, жавобгарлар вакили Т.Қодиров томонидан тақдим этилган видеотасвирдан кўринишича, вилоят адлия бошқармасининг З.Маҳмудова, А.Ҳаққулов фойдасига «Қуйимозор» агрофирмаси раиси М.Рўзиев ва раис ўринбосари Б.Хўжаевга нисбатан моддий зарарни ундириш тўғрисидаги фуқаролик ишлари бир иш юритувда кўрилгани, лекин фуқаролик ишида бу ишларни бирлаштирадиган процессуал ҳужжат мавжуд эмаслиги, бу билан суд томонидан ЎзРФПКнинг 156-моддаси талаби бузилгани кўрсатилган.

Худди шунингдек, видеотасвирдан кўринишича, суд томонидан ишда иштирок этувчи шахсларга ЎзРФПКнинг 171-моддаси тартибида уларнинг қонунда белгиланган процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилмагани, даъво аризасида «Тешабой» фермер хўжалигига тегишли 3,7 гектар олмазор майдон агрофирмага қайтариш тўғрисида Қизилтепа тумани ҳокимининг қарорига асосан бузиб ташланганлиги, суд томонидан бу ҳолатга умуман баҳо берилмаганлиги, ҳақиқий ҳолатлар аниқланмагани, суд томонидан даъвогарлар ва жавобгарлар масаласи кўрсатилмагани қайд қилиб ўтилди.

Орадан ўн ой ўтиб, Навбаҳор туманлараро фуқаролик ишлари судининг К.Халилов раислигида ўтган 2001 йил 10 сентябрдаги мажлисида бу иш бўйича қарори чиқди. Албатта, бу суд қарорида вилоят судлов ҳайъати ажримида айтилган «ЎзРФПКда кўзда тутилган талаблар аниқ-равшан ўз ифодасини топдими? Афсуски, бу саволга қарордан қониқарли жавоб олиш қийин. Ажримдаги ҳокимнинг қарорига асосан агрофирма раҳбарияти томонидан 3,7 гектар боғ ўзбошимчалик билан бузиб ташланганлиги, суд томонидан иш учун аҳамиятли бу ҳолатга умуман баҳо берилмагани ҳақиқий ҳолатлар аниқланмаган жумлаларига эътибор беринг. Таассуфки, суд бу ҳолатга баҳо бериш тугул тўхталиб ҳам ўтирмади. Суд қарорида ҳокимлик қарори ҳақида бирон сатр ҳам тополмайсиз. Устига устак етказилган зарарни ҳақиқий айбдорлардан эмас, балки «Қуйимозор» агрофирмасидан ундириш ҳақида ғаройиб тўхтамга келинди. Шу билан чамаси даъвогарлар ва жавобгарлар масаласини хамирдан қил суғургандай ҳал этди-қўйди.

Энди озроқ чекиниш қилишга тўғри келади. Бундан бир неча ой илгари вилоят ҳокимлиги «Қуйимозор» агрофирмаси ҳудудидаги кўплаб фермерлар ва аҳолининг ҳақли талаб-эътирозини ҳисобга олган ҳолда хўжалик бошқарувида жиддий камчиликларга йўл қўйгани учун М.Рўзиевни эгаллаб турган лавозимидан четлаштирган эди. Бу пайтга келиб агрофирманинг дебиторлик қарзи 8.560 минг сўмга, кредиторлик қарзи 25.876 минг сўмга, шу жумладан, иш ҳақидан қарздорлик 21.406 минг сўмга етганидан ҳақиқий аҳволни — хўжалик қандай ҳолатга тушганини тасаввур қиларинг. Кимнингдир устамонлиги ёки ношудлиги сабабли қарздорлик ботқоғига ботган хўжалик гарданига суд томонидан юклаб қўйилишини қандай тушуниш керак. Ортиқча «сийлов» эмасмикин бу ҳал қилув қароридаги «Қуйимозор» агрофирмасидан даъвогар «Ҳаққулбобо» фермер хўжалиги фойдасига 620333 сўм моддий зарар ва 200000 сўм маънавий зарар ундирилсин», «Қуйимозор» агрофирмасидан даъвогар «Тешабой» фермер хўжалиги фойдасига 392612 сўм моддий зарар ва 200000 сўм маънавий зарар ундирилсин» жумлалари ҳақиқий айбдорларни аниқлаш ва жазолаш бир ёқда қолиб, уларнинг айбларини хаспўшлаш йўлидан борилибди-ку, дейилиши тайин. Айбдорларнинг Қизилтепа туман суди қароридан норозилиги-ю, Навбаҳор туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди қароридан нега қониқиш ҳосил қилганини балки шу билан изоҳлаш керакдир.

Вилоят адлия бошқармаси қарордан қониқиш ҳосил қилмади. Вилоят судига даъво аризаси билан чиқди. Қизилтепа туман прокуратураси ҳам қарордан норозилигини протестда ифодалади. Энди ҳамма гап вилоят фуқаролик ишлари бўйича суди судлов ҳайъатида қолган кўринади. Айтинг, айтинг, буёғи яна ўйин бўлмасин, фермерлар чекланган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш учун йиллаб судма-суд сарсон қилинмасин-да!..

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Андижон вилояти электр тармоқлари корхонасида фахрийлар кенгаши ташкил этилди. Уни ушбу соҳани ривожлантириш учун кўп куч ва билим сарфлаган тажрибали энергетиклар бошқармоқда.

ФАХРИЙЛАР КЕНГАШИ ҲАРАКАТДА

- Корхонамизда 400 нафарга яқин нафақахўр рўйхатда туради, - дейди касаба уюшмаси қўмитаси раиси А.Маннопов. - Шунингдек, рўйхатда ишлаб чиқариш жараёнида жароҳат олганлиги оқибатида нафақага чиққанлар ҳам бор. Фахрийлар кенгашининг банкда ўз ҳисоб рақами бор, корхона маъмурияти эса уларга бино ажратиб, енгил автомобил берди. Фахрийлар кенгаши ташкилотчилари ва касаба уюшмаси қўмитаси корхонанинг ривожланишига катта ҳисса қўшганларни унутмайди. 2002 йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши кенгаш фаолиятининг янада жонланишига сабаб бўлди. Фахрийлар корхонанинг туманлардаги бўлимларидан бирида фойдаланилмай ётган майдонларда ёрдамчи хўжалик ташкил этишни режалаштирмоқда.

(ЎзА).

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

БОШҚАЧА ҚИЁФА КАСБ ЭТАДИ

Нью-Йорк шаҳрининг янги ҳокими Майкл Блумберг ўтган йил 11 сентябрдаги террорчилик оқибатида вайрон бўлган осмонўпар «эгизак» биноларни қайта тиклаш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобламоқда. Манхэттендаги объектларни таъмирлаш билан шуғулланаётган корпорация раҳбари Жон Уайтхеднинг айтишича, самолётлар зарбасига учраган бинолар атрофидаги майдонлар бошқача қиёфа кашф этиши керак. Яроқсиз ҳолга келган кўп қаватли Халқаро савдо маркази ўрнида фирмаларнинг маҳкамалари ҳамда савдо корхоналари жойлашади. Ҳудуднинг анча қисми 11 сентябрда ҳалок бўлган қурбонларни эслайдиган хотира масканига айланади.

ГУАНТАНАМО «ОРОМГОҲ» ЭМАС

Афғонистонда қўлга олинган толибонлар ҳамда «Ал-Қоида» уюшмасининг дастлабки маҳбуслари АҚШнинг Кубадаги ҳарбий базаси Гуантанамога жўнатилди. Келажакда бу ерга олиб бориладиган жангариларнинг сони 400 нафарга етиши кутилмоқда. Гуантанамо ҳарбий базаси Куба ҳудуди бўлиб, унинг учун Америка Кубага катта ижара ҳақи тўлайди. Мазкур минтақанинг иқлимий ҳамда жуғрофий шароитлари жуда оғир бўлиб, у ҳамма томондан чангалзорлар, ботқоқликлар ҳамда ўтиб бўлмас қўллар билан ўралган. Бу ерга келтирилаётган маҳбуслар устидан келажакда суд ўтказилади. Оммавий ахборот воситалари шарҳчиларининг фикрига қараганда, бундай суд БМТ томонидан тузилиши керак.

ОҚИБАТИ ЯХШИ БЎЛМАЙДИ

Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги қарама-қарши туришлик кундан кунга ёмонлашмоқда. Покистон бош штабининг бошлиғи гапларига қараганда, ҳар зумда чинакам уруш бошланиб кетиши мумкин. Ҳар икки томондан чегарага жўнатилаётган ҳарбийлар сони тобора ортиб бормоқда. Айни пайтгача Ҳиндистон 800 минг, Покистон эса 400 минг аскарини жанговар ҳолатга келтирдилар. Боз устига, Покистон томонидан Панжоб вилоятида 150 та ҳарбий шифохона ўрнатилди.

КУНДАН КУНГА МУШКУЛЛАШМОҚДА

Яқинда фаластинлик террорчилар Исроил ҳарбий постига ҳужум қилганидан сўнг тўрт нафар Исроил аскари ҳалок бўлган эди. Бу ҳуружни Фаластинда ҳаракат қилаётган ҲАМАС экстремистик гуруҳи ўз бўйнига олди. Шундан сўнг Исроил томони ҳам жавоб тариқасида Урдун дарёсининг ғарбий соҳилидаги Ғазо, Рамаллоҳ шаҳарларига турли қуроллар билан зарба берди. Натижада, Ғазо аэропорти бутунлай вайрон этилди. Муҳториятнинг раҳбари Ёсир Арофатнинг хизмат кемаси ҳам ишдан чиқарилди.

Бундай хатти-ҳаракатлар етарли бўлмаганидек, Ёсир Арофат деярли уй қамоғида қолди. Унинг ташқи олам билан мулоқотлари деярли кесиб қўйилди. Унга террорчиларга қарши курашда етарли жазо чоралари кўрмаётганли Фаластинга қурол-яроғ олиб киришлик сингари айблар қўйилмоқда. Лекин, Ё.Арофат бундай айбларни қатъий рад этмоқда.

КАТТА УМИД БОҒЛАШЯПТИ

Муддатидан илгари истеъфога чиққан Ингушистон президенти Руслан Аушев «ишсиз» қолмади. Эндиликда у Россия парламентида ўз республикасининг ишончли вакили сифатида фаолият кўрсатади. Республика президенти вазифасини бажарувчи Аҳмед Мальсагов шундай қарор қабул қилди. Унинг фикрича, «Р.Аушев катта тажриба ва обрўга эга бўлган сиёсий арбобдир. У сенатор сифатида ҳали ўзини кўрсатади».

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

Sport * Спорт * Sport * Спорт * Sport * Спорт * Sport * Спорт * Sport * Спорт * Sport

Футбол

ҚУРЪА ТАШЛАШ НАТИЖАЛАРИГА КЎРА

Маълумки, 1912 йилда Фарғона вилоятида дастлабки футбол жамоалари ташкил этилиб, миллионлар севган ўйин республикамизда шу тахлит қанот ёзган эди. Орадан ўтган йиллар давомида футболимиз ривожланди, ўзига хос қиёфага эга бўлди. Ўзбек футболи довруғини жаҳонга танитган кўплаб юлдузлар етишиб чиқди.

Ўзбекистон футбол федерациясидаги янги мавсумдаги илк йиғилиш 2002 йилги мамлакат чемпионати ва кубоги ўйинларига қуръа ташлаш, шунингдек, ўзбек футболига 90 йил тўлишини нишонлаш масалаларига бағишланди.

Йиғилишда 90 йиллик юбилейга қандай тайёргарлик кўрилаётгани тўғрисида федерация фахрийлар Кенгашининг раиси Наримон Жалолов батафсил маълумот берди. Ушбу жиддий санага ЎФФ бош котиби Б.Раҳимов бошчилигида ишчи гуруҳи тузилиб, тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Мустақиллик байрамидан кейин ўтказилиши мўлжалланаётган ўзбек футболининг 90 йиллиги Қўқон ва Фарғона шаҳарларида катта тантаналар билан ўтказилади. Фахрийлар жамоалари ўртасидаги мусобақанинг финал беллашуви эса Тошкент шаҳрида бўлади. Ҳозирда юбилейга атаб медаллар ва кўкрак нишонлари тайёрланмоқда.

Қуръа ташлаш натижаларига кўра 16 мартда ўтказиладиган мамлакат чемпионати олий лига жамоаларининг биринчи турида майдонга энг кучли жамоалар — «Насаф» ва «Нефтчи» тушади. Пойтахтнинг «Пахтакор» жамоаси биринчи турда «Трактор» меҳмони бўлади. «Бухоро» - «Навбаҳор», «Дўстлик» - «Академия» беллашувлари ҳам ишқибозларда катта қизиқиш туғдириши табиий. Бу йилги чемпионатнинг ўзига хос томони шундаки, 16 мартдан то 30 ноябрга қадар ўйинлар вақтининг ўзгартирилишига йўл қўйилмайди. Ўртада фақат икки марта бир ҳафталик танаффуслар назарда тутилган, холос.

Кубок баҳсларига келадиган бўлсак, ўтган йили қолдирилган нимчорак финалнинг «Пахтакор» ва «Дўстлик» командалари ўртасидаги беллашув 10 ва 27 март кунлари бўлиб ўтади. Чорак финал баҳслари 10 апрел ва 1 май кунлари ўтказилиб, унда «Академия» ўз майдонида «Дўстлик» - «Пахтакор» учрашуви ғолибини қабул қилади. Қолган учрашувларда «Темирйўлчи» - «Насаф», «Андижон» - «Қизилқум», «Нефтчи» - «Зарафшон» жамоалари ўзаро куч синашади.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Касаба уюшмаси ва спорт. Кейинги йилларда мазкур тушунчалар бир-бири билан тобора уйғунлашиб бормоқда. Буни пойтахт вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли болалар ва ўсмирлар Олимпия заҳиралари мактаби мисолида яққол кўриш мумкин. Ушбу мактаб спортнинг дзюдо ва бокс турлари бўйича ихтисослаштирилган.

ОЛИМПИЯ ЗАҲИРАЛАРИ МАКТАБИДА

Бу истеъдодлар маскани ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни тарғибот қилиш билан бирга республикамиз довруғини кенг ёйишда ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келаётир.

— Мактабимизда 21 ёшгача бўлган 203 нафар болалар ва қизлар, ўсмирлар таълим олаётирлар, - дейди мактаб директори Раил Мирҳайдаров. - Уларга 15 нафар малакали мутахассис устозлик қилмоқда. Ўғил-қизларимиз спортнинг ўзлари танлаб олган соҳалари бўйича юксак чўққиларни забт этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Ўқувчилар қўлга киритаётган кўрсаткичлар эса анча салмоқли. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина мазкур мактабда таълим олаётган ўғил-қизлар юртимизда, шунингдек, жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ўтказилган 23 та мусобақада иштирок этишди. Жумладан, ёз ойларида дзюдо бўйича Пекин шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон Универсиадасида, Мюнхен шаҳрида ўтказилган Жаҳон чемпиоЫнатида, шунингдек, Россиянинг Красноярск, Мўғулистоннинг Улан-батор, Жанубий Кореянинг Сеул шаҳарларида бўлиб ўтган турли хил мусобақаларда ҳам фаол иштирок этишди.

Жаҳон Универсиадасида устоз Борис Писаревскийнинг шогирдлари дзюдо бўйича 1 ва 2-ўринларни қўлга киритишди. Красноярск шаҳрида бўлиб ўтган мусобақаларда ёш дзюдочи Искандар Расулов ғалаба шохсупасига кўтарилди. Мўғулистон пойтахтида ўтган Осиё чемпионатида эса тошкентлик ёш олимпиячилар фахрли бешинчи ўринни забт этдилар. Бокс бўйича республика биринчилигида Жаҳсилик Бегматовнинг шогирди бронза медалини қўлга киритишди.

Муҳайё ИСАЕВА,
«Ишонч»нинг жамоатчи мухбири.

Хотира турнири

Қумқўрғон туманидаги С.Бойматов номли ширкат хўжалиги раиси Эргаш Жумаев фаоллар иштирокидаги эрталабки йиғинда кўпчилик учун кутилмаган таклиф билан чиқди:

— Хўжалигимизнинг собиқ спорт йўриқчиси, марҳум Холбой Ярашевнинг порлоқ хотирасига бағишлаб турнир ўтказсак...

РАИС ТАШАББУСИ БИЛАН

Таклиф барча йиғилганлар томонидан қўллаб-қувватланди. Хотира турнири спортнинг энг оммавий турлари ҳисобланмиш футбол ва шахмат бўйича ўтказилиши, унда ҳозирча хўжалик ҳудудидаги маҳаллалардан жамоалар, шахматчилар иштирок этишига келишиб олинди. Ташаббускор хўжалик раҳбарининг ўзи барча ташкилий ишларга бош-қош бўлди.

Мусобақалар бошланадиган кун минглаб томошабинлар билан тўлган хўжаликнинг марказий ўйингоҳи байрамона кўриниш олди. Нафақат хўжалик, балки туманда жисмоний тарбия ва спорт ривожига катта ҳисса қўшган Холбой Ярашев хотираси ёд олингач, турнир байроғи кўтарилди.

Бир ҳафта давом этган турнирнинг футбол беллашувларида 11 та маҳалла фуқаролар йиғини жамоалари иштирок этди. Мухлисларда айниқса, Янгиер, Қарсоқли, Қумқўрғон, Қизилқоя маҳаллалари ёш футболчиларининг ўйинлари катта таассурот қолдирди. Биринчилик учун ҳам айнан Янгиер ва Қарсоқли маҳаллалари футболчилари майдонга тушдилар. Беллашув кутилганидан ҳам шиддатли кечди. Ўйин ниҳоясида Янгиер маҳалласи футболчиси Хушбоқ Қобилов киритган тўп янгиерликларга ғалаба туҳфа этди.

«Ақл гимнастикаси» беллашувларида эса 40 нафар шахматчи ғолиблик учун дона сурди. Айниқса, Содиқ Суюнов, Ойнабой Ибрагимов, Шоберди Қурбонов, Алимардон Хидиров, Райимбой Бобомуродов сингари тажрибали шахматчиларнинг иштирок этиши мусобақаларнинг кескин баҳслар билан ўтишини таъминлади. Муросасиз шахмат ўйинлари сўнггида Алимардон Хидиров мутлоқ ғолиб деб топилди.

Катта кўтаринкилик билан ўтган хотира турнири якунида совринли ўринлар соҳибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ширкат хўжалиги маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари ва пул мукофотлари топширилди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

«Универсиада—2002»

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Қўқон Давлат педагогика институтида спорт оммавийлигига эришиш мақсадида талабалар ўртасида турли хил мусобақалар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Институтда талабаларни вилоят, республика ва халқаро мусобақаларга тайёрлаш яхши анъанага айланган. Шу боис айни пайтда ёш футболчилар М.Қодиров, М.Назарматов, И.Усмоновлар «Темирйўлчи», волейболчилар А.Тешабоев, В.Маматов, О.Сайфутдинов, Ш.Шодмоновлар «Автомобилчи» жамоасида ўйнашмоқда.

8 нафар талаба эса бокс бўйича республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда қатнашиб келмоқда. Улардан Улуғбек Бўрибоев Германияда ўтказиладиган халқаро турнирда қатнишиш ҳуқуқини қўлга киритган бўлса, Баҳодир Сиддиқов ва Хўжабек Маматов бокс бўйича республика мусобақасида зафар қучишди. «Тўмарис» спорт ўйинлари фестивалида эса институт талабалари умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

Айни вақтда институт спортчилари шу йилнинг 12-18 май кунлари Бухоро шаҳрида бўлиб ўтадиган «Универсиада-2002» мусобақаларига пухта ҳозирлик кўришмоқда. Енгил атлетика, стол тенниси, футбол, волейбол, шахмат бўйича иштирок этувчи талабаларга мураббийлар А.Толибжонов, Р.Расулов, З.Бобоев, И.Ниёзов, И.Мирзаев, О.Ворониналар устозлик қилишмоқда.

А.ТЎХТАСИНОВ.

«Умид ниҳоллари - 2002»

КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ЙЎЛЛАНМА

Камаши туманининг Охунбобоев номли жамоа хўжалигида яқинда фойдаланишга топширилган 48-мактабда «Спорт — соғлигимиз гарови» шиори остида «Умид ниҳоллари» ҳудудий мусобақаси бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган қизғин баҳсларда ўқувчи ёшлар спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, кураш, қўл тўпи, эстафета, граната улоқтириш, шахмат, шашка каби турлари бўйича мусобақалашишди. Турнирга пухта тайёргарлик билан келган 6-ўрта мактаб ўқувчилари ғолибликни қўлга киритишди. Кейинги ўринлар 36- ва 48-мактаб вакилларига насиб этди. Ғолибларга ташкилотчилар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Энди ғолиблар кейинги босқич баҳсларида иштирок этишади.

Б.ШЕРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҒОЛИБ

49-мактаб жамоаси

Наманган вилоятида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасида ривожлантириш, шунингдек, етук спортчилар заҳирасини яратиш мақсадида ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари бу йўлдаги навбатдаги амалий қадам бўлди.

Давлатобод туманида ўтказилган иккинчи босқич беллашувларида ўқувчилар 5-7 ҳамда 8-11 синф гуруҳларида спортнинг 11 тури бўйича беллашдилар. Мусобақада фаол иштирок этган 49-мактаб жамоаси катта натижага эришди. Мактабнинг волейболчи қизлари барча рақибларини мағлуб этишган бўлса, енгил атлетикачилар юқори кўрсаткичга эришдилар. Шунингдек, қўл тўпи бўйича ўғил ва қиз болалар жамоалари ҳам энг юқори поғонадан жой олишди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Шарқ яккама-якка кураш турлари кишидан чаққонлик, тезкорлик ва абжирликни, бир сўз билан айтганда, жисмоний баркамолликни талаб этади. Шу билан бирга, санъат билан уйғунлашиб, мукаммаллик касб этган каратэ, у-шу ёки муай-тай каби яккама-якка кураш билан шуғулланганлар ўзларида руҳий-маънавий етукликни ҳам ҳис этадилар.

Дўст ачитиб гапиради

БИР ЧЕТИ ҲОМИЙГА БОҒЛИҚ...

Муай-тай бўйича Тошкент шаҳар очиқ биринчилиги ўтаётган 172-мактаб ҳовлисига кириб борар эканман, ўзларича тайёргарлик кўриб турган турли ёшдаги 4-5 нафар болакай эътиборимни тортди. Уларнинг чаққон ҳаракатларини бироз кузатгач, қизиқишим ортиб, саволга тутдим:

— Қайси вилоятдансиз?

— Бухоронинг Олот туманидан келганмиз. Туман марказидаги «Рустам» спорт клуби машғулотларида қатнашамиз. Бугун финал баҳслари. Орамиздан фақат Шоҳруҳ финалга чиққан, - деди гапга чечанроғи 6 ёшлардаги болакайни кўрсатиб.

— Шоҳруҳ, чемпион бўласанми?

— Албатта!

— Унда сенга омад тилайман.

— Раҳмат!

Ҳа, Шоҳруҳнинг юз-кўзларида бошқаларда бўлмаган зўр қатъият, шижоат бор эди, бу қатъият унинг ишонч билан айтган сўзларига кўчганди...

Дарвоқе, аввало «Рустам» спорт клуби хусусида. Олот тумани марказида икки йилдан буён фаолият олиб бораётган спорт клуби ўзида 180 нафарга яқин ёшларни жамлаган. Уларга 3 нафар тажрибали мураббий муай-тай сирларидан сабоқ бермоқда.

— Бош ҳомийимиз Олот тўқув фабрикаси ҳисобланади, — дейди бош мураббий Қурбонмурод Қурбонов. — Фабрика директори Жуманазар Абдуназаровнинг саъй-ҳаракатлари билан клубимиз имкон қадар спорт анжомлари билан таъминланаётир, турли мусобақаларга бориб-келиш имкони яратилмоқда. Масалан, ушбу мусобақага келишимизга ҳам тўқув фабрикаси катта кўмак берди. Айтганча, яқинда ўтказилган муай-тай бўйича вилоят биринчилигида ҳам корхона ҳомийлик қилди.

Ҳақиқатдан ҳам, Олотда спортсеварлар кўплаб топилади. «Азим бобо» фермер хўжалиги раҳбари Рустам Бойлиев ҳам ана шундай спорт фидойиларидан. У айни кунларда туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда клуб учун янги муай-тай ринги қуриб беряпти. Бу мақсад учун 500 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланмоқда. Шунингдек, фермер хўжалиги тасарруфидаги, айни пайтда клуб ёшлари шуғулланаётган спорт зали учун ҳеч қандай ижара ҳақи олинмайди. Бир нафар мураббий ойлик иш ҳақини фермер хўжалиги ҳисобидан оляпти. Зотан, ана шундай саховатпешаларнинг беминнат кўмаги билан спорт клуби бир қатор мақтовга сазовор натижаларни қўлга киритмоқда. Тўртта олтин, еттита кумуш ва йигирма иккита бронза медаллари ёш муай-тайчилар кўксини безаб турибди. Улар орасида мамлакат чемпионлари, турли халқаро турнирлар ғолиблари бор.

— Биласизми, агарда вилоятдаги бошқа иқтисодий жиҳатдан бақувват ташкилотлар ҳам бизга ёрдам қўлини чўзганларида эди, ютуқларимиз салмоғи бундан-да юксакроқ бўларди, — дейди бош мураббий.

— Бу масалада туман, қолаверса, вилоят спорт қўмиталари мутасаддиларининг фикри қандай?

— Афсус, унчалик яхши эмас. Мабодо, ёрдам сўраб борсак, «Маблағ йўқ, маблағ йўқ»дан нарига ўтишолмайди. Менимча, улар ҳеч бўлмаса ишончли ҳомийлар топишда ёрдам беришса, айни муддао бўларди.

...Мақола аввалида «Рустам» спорт клуби ёш муай-тайчилари билан бўлган кичик суҳбатимизни бежиз келтирмаган эдик. Бинобарин, очиқ биринчиликнинг финал баҳсларини айнан энг кичик ёшдаги спортчилар, бухоролик ҳамда пойтахтлик муай-тайчилар бошлаб беришди. Ғолиблик мезбонга насиб этди. Шу пайт ёнма-ён ўтирган ўрта ёшли киши мендан «Сиз ташкилотчиларданмисиз?» дея сўради. «Йўқ» жавобини эшитгач эса шундай деди:

— Мен мутахассис эмасман-у, лекин назаримда, ғолибни аниқлашда ҳакамлар адолатсизликка йўл қўйишди.

Жавоб ўрнига беихтиёр ҳозиргина рингда ўзига хос ҳаракатлари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлган Шоҳруҳни изладим. Минг афсуски, жажжи Шоҳруҳ кўз ёшлари билан рингни тарк этарди...

Камол ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Сўраган эдингиз

ЖИСМОНИЙ ДАВОЛАШ

Мамлакатимизда фуқаролар, айниқса, ёшларнинг жисмоний баркамоллигига эришиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳатто республикамизнинг энг чекка туманларида ҳам хорижнинг етук тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган замонавий шифохоналар, санаторий-профилакторий ва тиббиёт пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Шу ўринда, беморларнинг тезроқ тузалиб, меҳнат фаолиятига тўлиқ қайтишида замонавий тиббиётнинг кичик бир бўлаги бўлган жисмоний даволаш ҳам муҳим ўрин тутаётганлигини таъкидлаш лозим. Хўш, жисмоний даволаш нима? Унинг қандай афзал жиҳатлари бор?

Жисмоний даволаш ўзида қатор спорт турларининг у ёки бу жиҳатларини жамлаган бўлиб, беморнинг муддатидан анча аввал соғайишига ёрдам беради. Хусусан, бир маромда жисмоний чиниқиш натижасида модда алмашуви яхшиланади, танадаги ортиқча туз, ёғлар сўрилади ёки, аксинча, бўш мускуллар таранглашиб, кучга тўлади. Шунингдек, қон айланиши меъёрлашиб, букилиш, эгилиш, сакраш, ҳатлаш, бурилиш каби ҳаракатларнинг фаоллиги ошади. Албатта, бунда махсус билим ва малакага эга ҳамшира ёки мутахассис-йўриқчилар назоратида гимнастика тўплари, диск, таёқ, обруч, жисмоний нарвон, эспандер, арғимча, уқалагич ускуналар, тренажёр каби спорт ускуналари билан жиҳозланган хоналарда шуғулланиш жисмоний даволаш таъсирини белгилайди. Шу билан бирга, жисмоний даволашда машғулотларнинг секин-аста юқорилаб бориши ва, аксинча, поғонама-поғона пастлашиб, тугалланиши катта аҳамият касб этади.

Иш тажрибам мобайнида нафас қисиш, бўйин-бел, умуртқа астеохондрози, бронх йўлларининг яллиғланиши каби касалликлар билан оғриган кўплаб беморларнинг айнан жисмоний даволаш орқали соғайиб кетганлигининг гувоҳи бўлганман. Масалан, бемор К.Шодиев маълум муддат нафас гимнастикаси машғулотларига жадвал асосида қатнашгани ҳамда мутахассис тавсияси асосида мустақил тарзда олти ой мобайнида машғулотларни давом эттиргани натижасида нафас қисиш касаллигидан бутунлай қутилиб, тўлиқ меҳнат қучоғига қайтди. Шунингдек, бемор М.Равшановда ҳам жисмоний даволаш натижасида эндигина бошланган бронх йўллари яллиғланиши касаллиги барҳам топди.

Кези келганда, вилоятларимиздаги айрим шифохоналарда жисмоний даволаш талаб даражасида эмаслигини айтиб ўтиш керак. Бинобарин, аксар вилоят шифо масканларида жисмоний даволаш хоналари етарлича спорт ускуналари билан жиҳозланмаган, мутахассис-йўриқчилар етишмайди. Бу каби камчиликлар тезда барҳам топиши шарт. Зеро, спорт ва замонавий тиббиётнинг ажойиб уйғуни, мужассами бўлган жисмоний даволашнинг кишиларимиз саломатлигини сақлашда ўрни беқиёсдир.

Марям АҲМЕДОВА,
шифокор.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 25. 1 2 3 4 5 6